



1 ИЮН — ХАЛҚАРО БОЛАЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ КУНИ

«Истиқлол ғунчалари»

ёш истеъдодларни кашф этди



Болалар — дунёнинг эзгулик ниҳоллари, келажакка ишонч, самимият ва поклик тимсоли. Улар баралла қўшиқ айтганида, биргалишиб рақсга тушганида дўстлик ва ишонч кўприклари тикланиб, олам меҳр-саховатдан яшариб кетади. Улуғ шоирнинг «Болаларга берайлик дунёни, ҳеч бўлмаса бир кун», дейишида катта ҳикмат яширин.

Пойтахтимиздаги муаззам «Туркистон» саройи болажонларнинг шодон кулгуси, жозибали қўшиқ ва рақсларидан янада яшнаб кетди. Камалак мисол атлас кўйлақчаларда пилдираб юрган қизалоқлар кўзи кувнатади. Истиқбол порлоқ фарзандларимизга барчанинг ҳаваси келади. Зеро, бу ерда Ўзбекистон касоба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг Мустаҳкам оила йили ҳамда 1 июн — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишлаб «Истиқлол ғунчалари» кўрик-танлови галиб ва совриндорлари иштирокидаги гала-концерт ўтказилди. «Касоба уюшмалари — болаларга» акцияси доирасидаги ушбу тадбирга Меҳрибонлик уйлари ва мактаб-интернатлари тарбияланувчилари тақдир этилди.

Пойтахтимиздаги муаззам «Туркистон» саройи болажонларнинг шодон кулгуси, жозибали қўшиқ ва рақсларидан янада яшнаб кетди. Камалак мисол атлас кўйлақчаларда пилдираб юрган қизалоқлар кўзи кувнатади. Истиқбол порлоқ фарзандларимизга барчанинг ҳаваси келади. Зеро, бу ерда Ўзбекистон касоба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг Мустаҳкам оила йили ҳамда 1 июн — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишлаб «Истиқлол ғунчалари» кўрик-танлови галиб ва совриндорлари иштирокидаги гала-концерт ўтказилди. «Касоба уюшмалари — болаларга» акцияси доирасидаги ушбу тадбирга Меҳрибонлик уйлари ва мактаб-интернатлари тарбияланувчилари тақдир этилди.

Таъкидлаш жоизки, республика босқичи ёш истеъдодларни кашф қилиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришда муҳим омил бўлди. Албатта, уларнинг бир-бирдан жозибали қўшиқларини тинглаш, дилрабо рақсларини томоша қилиш, айниқса, улуғ санъаткорлар қўшиқ айтган катта сахналарда ўзларини йўқотмай, ишонч билан маҳоратларини намойиш этаётгани кишини тўққинлантиради. Юраклари шижоат, орзу-ҳавас ва эзгуликка тўла бу болакайлар камолда Ватан истиқболли, санъатимиз келажagini кўриб қувонсан.

Барча томошабинларнинг юксак олқиши ҳамда кўрик-танловни ўтказиш бўйича Ташкилий қўмита қарори қўра «Ўзбекистон темир йўллари» ДАК қошидаги Марказий Темирйўлчилар маданият саройининг «Орзу» ансамбли Гран-при соҳиб бўлди. Анъанавий ҳамда жамоа рақси ижрочилиги бўйича Навоий конметаллургия комбинатининг «Фарҳод» маданият саройи вакили Бахтиёр Ҳамроев, «Родничок» гуруҳи, «Счастливое детство» рақс ансамбли, шунингдек, яқна ва ансамбл чолу ижрочилигида ҳам шу комбинатнинг «Нихол» оркестри, эстрада қўшиқчилигида Тошкент вилояти «Ўзметкомбинат» ОАЖнинг Муҳаммедов номидаги «Металлургия» маданият саройи вакили Максим Тен, яқна рақс ижрочилигида «Тошкент трактор заводи» ОАЖ маданият са-



Хоразм

Хива тумани «Ичан-қалъа» давлат музейи кўриқхонаси ҳудудида жойлашган «Паҳлавон Маҳмуд» зиёратгоҳида хайрия тадбири бўлиб ўтди.

Унда иштирок этган корхона ва ташкилотлар, хусусий тадбиркорлар, жамоат ташкилоти раҳбарлари «Паҳлавон Маҳмуд» зиёратгоҳини таъмирлаш ишларига ҳомийлик ёрдами кўрсатишларини билдиришди. Тадбир якунида иштирокчилар Ўзбекистон мусулмонлар идораси ҳузуридаги «Муқаддас қадамжоларни сақлаш ва обод этиш хайрия жамғармаси»нинг Хоразм вилоят бўлимига ўз маблағларини ўтказишга келишиб олишди.

Қашқадарё

Қарши шаҳрида «Ҳамшира-2012» анъанавий кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Унда туманларда сараланган эзкук ҳамширалар бир неча шарт бўйича билим ва кўникмаларини синовдан ўтказишди. 1-вилоят асаб-руҳий касалликлар диспансери ҳамшираси Дилшоҳа Қиличева энг юқори натижа билан биринчилигини эгаллаб бўлса, Деҳқонобод тиббиёт бирлашмаси ходимаси Зарнигор Пардаева иккинчи, ихтисослаштирилган акушер-гинекология илмий текшириш институтининг Қарши филиали ҳамшираси Ларса Пирназарова учинчи ўринга сазовор бўлди.

Жиззах

Жиззах шаҳрида «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури доирасида шаҳар ҳокимияти хотин-қизлар кўмитаси, Адлия бошқармаси, ФХДБ бўлими ҳамда «Маҳалла» жамоат фонди шаҳар бўлими ҳамкорлигида «Оила — фахрим» мавзусида тадбир ташкил этилди.

Вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Ш.Ахорова мамлакатимизда оилани мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Тадбирда яна бир янги оиланинг ниҳоқ маросими ўтказилди. Ёшларга вилоят Адлия бошқармаси томонидан ниҳоқ туйғунмаси ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

Тошкент шаҳри

Сирғали тумани ҳокимлиги, «Маҳалла» жамоат фонди бўлими ҳамда Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касоба уюшма кенгаши ҳамкорлигида Мустаҳкам оила йилига бағишлаб «Энг намунали оила» кўрик-танлови ўтказилди.

33 нафар ёш оила вакиллари иштирок этган мазкур тадбирда «Темирйўлчилар» маҳалласидан Бежоновлар оиласи галиб деб топилди. Ғолибларга ташкилотчилар томонидан эсдалик совғалари топширилди.

БУНЁДКОРЛИК

Гулистон истиқлол йилларида ўзгача чирой очиб, гўзал қиёфа касб этди. 2011-2012 йилларга мўлжалланган дастурга қўра, жорий йил давомида 7 миллиард 571 миллион сўмлик қурилиш ва реконструкция ишлари амалга оширилади. Пасткам, кўримсиз уйлар ўрнини қўл қаватли турар-жойлар эгалламоқда. Ўзбекистон, Сайхун кўчаларида 3 қаватли уйлар қурилиши бошлаб юборилди. Уларнинг биринчи қаватида савдо, маиший хизмат кўрсатиш ва умумий овқатланиш шохобчалари жойлашади. Шароф Рашидов ва Ўзбекистон кўчаларида бунёд этилаётган икки қаватли 40 та 5 хонали уй йили якунига қадар қуриб битказилади.

Кўрк очаётган шаҳар

Ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари ҳам авжида. Шаҳар ҳудудидан ўтган Тошкент-Душанбе йўли атрофида гулзорлар барпо этилиб, турли мевали, манзарали дарахт кўчатлари ўтказилиб, бог-роғлар яратилди. Бунёдкорлик ишларидан кўнглимиз тоғдек юксалмоқда, — дейди «Нуруний» жамғармаси шаҳар бўлими раиси, уруш ва меҳнат фахрийси Бектурсин Пирматов. — Мен тўқсон ёшнинг қаршиладим. Мустақиллик туйғули Гулистон ўз номига муносиб масканга айланди. Шаҳримизни обод этиш — хайрли иш, — дейди «Давр» хусусий қурилиш фирмаси прабири Исқандар Араббоев. — Айни кунларда 60 кишидан иборат жамоа кўли-қўлга бериб меҳнат қилаётти.

Анорбой НОРҚУЛОВ

ЎҚУВ-СЕМИНАР

Ҳуқуқий саводхонлик сари

Қарши шаҳрида Ёқилги-энергетика мажмуи, кимё саноати ва геология ходимлари касоба уюшмаси Қашқадарё вилоят кенгаши тизимидаги корхона ва ташкилотларда Меҳнат Кодекси талабларига риоя қилинишига бағишланган ўқув-семинар бўлиб ўтди.

Таъкидлаш зарурки, меҳнатқашларнинг меҳнат ҳуқуқлари, аввало, Конституция, Меҳнат Кодекси, «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги ва бошқа қатор қонунларда белгилаб қўйилган. Тармоқ касоба уюшмаси вилоят кенгаши бу борада самарали фаолият олиб бормоқда. Йилнинг ўтган даврида кенгаш аралашуви билан уч нафар ходим вазифасига тикланди. Тушайтган ёзма ва оғзаки мурожаатлар белгиланган тартибда кўриб чиқилаётти. Вилоят касоба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг юридик бўлими мутахассиси Абдурашид Муродов «Касоба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг жойларда бажарилиши бўйича олиб борилган ишлар ҳақида ахборот берди. Уз навбатига, «Муборакнефтьга» унитар шўба корхонаси касоба уюшма қўмитаси раиси Шароф Раҳматов корхонада ишловчи хотин-қизлар ва ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш бўйича қилинаётган ишлар ҳақида батафсил тўхталиди.

Акмал АБДИЕВ, «Ishonch» мухбири



таси ва ЎЗКУФК ўртасида имзоланган Бош келишув мамлакатимиздаги барча корхона, ташкилот ва муассасаларда қабул қилинаётган жамоа шартномаларини юридик жиҳатдан янада мустаҳкамлади.

Касоба уюшмасидан миннатдормиз

Авиаходимлар касоба уюшмаси Марказий кенгаши билан ижтимоий шериклар ўртасида имзоланган келишув ва жамоа шартномаларининг бажарилиши юзасидан доимий назорат йўлга қўйилган. Таъкидлаш жоизки, меҳнатқашлар ҳақ-ҳуқуқларининг поймол этилиши ҳолатлари, афсуски, ахён-ахёнда бўлса-да учраб туради. Ўтган йили тармоқ тизимида ўтказилган текширувлардан сўнг меҳнат қонунлари бузилиши билан боғлиқ ҳолатлар бартараф этилиши туйғули, ходимлар фойдасига 4 млн. сўм ундириб берилди. Улардан тушайтган шижоат ва аризалар қисқа фурсатларда ўрганилиб, меҳнатқашлар

ҲАР БИР МУРОЖААТ ЭЪТИБОРДА

Истиқлол шарофати билан инсон қадриятлари, обрўси, шаъни, қўйиники, унинг даражасига кўтарилди. Шу билан бир қаторда фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоялашга қаратилган қонунларимиз ҳам йилдан-йилга мукаммаллашиб бормоқда. Вазирлар Маҳкамаси, Савдо-саноат палатаси ва ЎЗКУФК ўртасида имзоланган Бош келишув мамлакатимиздаги барча корхона, ташкилот ва муассасаларда қабул қилинаётган жамоа шартномаларини юридик жиҳатдан янада мустаҳкамлади.

манфаатига отказилган зарар қопланишига эришилмоқда. Яқинда ҲАТ Авиация корхонасидан Е.Кочегина мурожаат қилди. Маълум бўлишича, жамоа шартномасида белгилаб қўйилган бандга асосан иш бериувчи ходимнинг уйда ёнғин ҳолати юз берганда тўлалиши лозим бўлган моддий ёрдам пулини тўлашдан бош тортган, — дейди Марказий кенгаш бош ҳуқуқшуноси Г. Абдуллаева. — Жамоанинг меҳнат низолари бўйича комиссияси билан биргаликда ушбу масалани оидинлик киритдик. Натижада, шижоатча энг кам иш ҳақининг 10 баравари миқдоридан моддий ёрдам пули тўланди. Халқаро Тошкент аэропорти ходими Ш. Назаровнинг мурожаати ҳам эътиборсиз қолмади. Унда ишдан ажралмаган ҳолда ўқитган ҳамда фарзандларининг ўқиши учун тўланаётган маблағлардан солиқ олишда қонунчиликда назарда тутилган имтиёз амалда қўлланилмаётганлиги кўрсатилган. Текширувлардан сўнг Ш.Назарова ва бошқа ходимларнинг мазкур имтиёздан фойдаланиш ҳуқуқи тикланди. — Мурожаатим нафақат меҳнатнинг, балки имтиёз солиққа ҳуқуқи бўлган бошқа ҳамкасбларимнинг ҳам манфаатига хизмат қилди, — дейди Ш. Назарова. Касоба уюшмасидан миннатдормиз. Дилором АЛЛАКУЛОВА, «Ishonch» мухбири

МАТБУОТ АНЖУМАНЛАРИ

Ўзбекистон қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлигида Президентимизнинг 2007 йил 29 октябрдаги «Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонининг ижросига доир матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Фармонга кўра

Маълумки, ерларнинг унумдорлигини ошириш ернинг мелиоратив ҳолатига боғлиқ. Республикадаги 4,3 млн. гектар суғориладиган майдонларнинг 49 фоиздан зиёди турли даражада шўрланган. Айни чоғда 141 минг км. узунликдаги коллектор-дренаж тармоқлари ҳамда 3474 та вертикал дренаж кудуги, 123 та мелиоратив насос станцияси ишлаб турибди.

Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси маблағлари доирасида тасдиқланган Давлат дастурига асосан суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга жами 605 млрд. сўм маблағ йўналтирилиши белгиланган бўлиб, ўтган 4 йил давомида бу иш учун 550 млрд. сўм ажратилди. 2 минг 619 км. узунликдаги коллектор-дренаж тармоқлари, 40 та мелиоратив насос станцияси, 1600 та вертикал дренаж ҳамда кузатув кудуглари реконструкция қилинди, қуриш ишлари бажарилди.

Жамғарма маблағлари ҳисобига «Узелиомашлизинг» компанияси хорижий, маҳаллий ишлаб чиқарувчилардан 1258 тадан зиёд техникани харид қилиб, ирригация-мелиорация тадбирларида иштирок этаётган сув ҳўжалиги ҳамда бошқа қурилиш ташкилотларида имтиёзли лизинг асосида етказиб берди. Натижанда, 20-30 йилдан бери фақат режалаштирилаётган, аммо амалга ошириш ёки тугаллашнинг илоҳий бўлмаётган қатор йилги мелиоратив объектлар қурилиши ниҳосига етказилди. Кучли ва ўртача шўрланган майдонлар 71 минг гектарга, ер ости сизот сувлари сатҳи 2,0 метргача бўлган майдонлар 519 минг гектарга камайд.

Кўмир чиқиндисидан ўғит

«Ўзбекэнерго» ДАК «Ўзбеккўмир» ОАЖ инфратузилмасини такомиллаштириш, техник ва технологик модернизациялаш, жаҳон тажрибасини кенг жорий этиш борасидаги устувор вазифалар мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.

Республикада жами учта: «Ангрен» кўнғир кўмир, Шарғун ва Бойсун тошкўмир ҳавзалари мавжуд. Айни пайтда жами кўмир захираси 1832,8 млн. тонна, шундан, кўнғир кўмир 1786,5 млн., тошкўмир эса 46,3 млн. тонна ташкил этади.

Хозир йилига 3 млн. 850 минг тоннадан зиёд кўмир қазиб олиниб, маҳсулотнинг 85 фоизи асосий истеъмолчи — электр энергияси ишлаб чиқарувчи сектор ҳамда ижтимоий соҳа объектлари ва аҳолига етказиб берилмоқда.

Бошқа соҳаларда бўлгани сингари «Ўзбеккўмир» тизимида ҳам модернизациялаш ишлари олиб борилаётир. «Янги Ангрен» ИЭС-нинг 1-, 5-қозонхоналари йиллик кўмир ёқиб ўтказилди. «Ангрен» кўмир қони, «Шарғункўмир» ОАЖ замона мос модернизация қилинапти. «Ангрен» кўмир қонида «глиеж» қазиб олиш назарда тутилмоқда. Айни чоғда завод мутахассислари илк бор кўмир брикетлари ишлаб чиқаришди. Ушбу маҳсулот кичик қозонхона, бино ва иншоотларни иситидаган воситаларда ёқиб мослаштирилган бўлиб, хозирги пайтда лаборатория синовларидан ўтказилляпти. Бундан ташқари, «Ўзбеккўмир» ОАЖ мутахассислари ва Фанлар Академияси илмий ходимлари ҳамкорлида кўмир чиқиндисидан органик-минерал ўғитлар ишлаб чиқариш мақсадида изланишлар олиб боришмоқда.

«Хусусийлаштириш жараёнида иқтисодиётга инвестицияларни жалб қилиш, хусусийлаштиришнинг очик-ошкоралигини таъминлаш ҳамда инвесторларга ишончли қарорлар яратиш» масалаларига бағишланган анжуманда Давлат мулки кўмитасининг асосий фаолият йўналишлари, олиб борилган ишлар, эришилган ютуқлар ва истиқболдаги режалари хусусида сўз юритилди.

Хусусийлаштиришнинг янги дастури

Президентимизнинг 2012 йил 25 апрелдаги «2012-2013 йилларда давлат мулкни хусусийлаштириш дастури тўғрисида»ги қарорига асосан нефт-газ, энергетика, металлургия, қишлоқ ҳўжалиги, енгил саноат, электротехника ҳамда фармацевтика саноати каби тармоқларга тегишли 497 та давлат ва давлат ширкати қисмидаги сотилиши мўлжалланган. Шунингдек, 63 та бўш турган, ишламаётган ҳамда қурилиш тугалланмаган объектлар танлов асосида инвестиция мажбурияти эвазига «ноль» қийматда сотилиши белгиланган.

Мазкур Қарордан қўланган мақсад республика иқтисодиёти таркибини ўзгартириш янада чуқурлаштириш, хусусий мулкнинг роли ва аҳамиятини тобора ошириш, ишлаб чиқаришнинг техник-технологик янгилаш учун хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш, шу асосда юқори сифатли, рақобатбардор ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотларни ишлаб чиқаришни кўпайтириш, аҳоли бандлигини таъминлашдан иборатдир.

Ўтган йили Давлат мулки кўмитаси томонидан 109,2 млн. АҚШ доллари ва 71,7 млрд. сўм миқдорда инвестиция қилириш шарт билан 62 та олди-соти шартномаси расмийлаштирилди. Мисол учун, Тошкент вилояти (Юқори Чирчиқ тумани)даги 5-автокорхона худудидаги қурилиши тугалланмаган бино «Textile technologies group» Корея хорижий корхонасига сотилди. Инвестиция мажбуриятига биноан инвестор йилига 8 минг тонна пахтани қайта янгилашга мўлжалланган корхона ташкил этиши ҳамда 1000 та янги иш ўрни яратиши жоиз.

Тадбиркор қонун ҳимоясида

Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси билан ҳамкорликда «Аҳолини оилавий тадбиркорликка кенг жалб қилишда ОАВнинг ўрни ва роли» мавзусида конференция ўтказди.

Конференцияни ўтказишдан мақсад оилавий тадбиркорликни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ислохотлар, аҳолининг бизнес лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган оилаларни молиявий рағбатлантириш, уларга яратилаётган имтиёзлар мазмун-моҳияти билан жамоатчиликни кенг таништириш, ўз тадбиркорлигини самарали йўлга қўйган оилалар тажрибасини оммалаштириш ва бу борада ОАВ фаолигини ошириш ҳамда журналистлар масъулиятини кўпайтиришдан иборатдир.

Тадбирда 2012 йилнинг 27 апрелида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги Қонуни ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Анжуманда эътироф этилганидек, оилавий тадбиркорлик билан шуғулланиш жамиятнинг иқтисодий, маънавий тараққиётига ижобий таъсир кўрсатади. Жорий йил ушбу йўналишга беш триллион сўмдан зиёд маблағ ажратилиши назарда тутилган бўлиб, (1 триллион сўм микрокредитлар) Марказий банк маълумотларига кўра, 2012 йилнинг 1 майига қадар (ёш оилаларга ўз бизнесини ривожлантириши учун) ажратилган кредитлар ҳажми 23,6 млрд. сўмни, хотин-қизлар тадбиркорлиги учун эса 129,5 млрд. сўмни ташкил этди.

Шарофат НОРКУЛОВА, «Ishonch» мухбири

Касаба уюшмалари ва туризм

Гўзал ва мафтункор шаҳарларни, муқаддас қадамжоларни зиёрат қилиш киши маънавиятини бойитиб, руҳий қувват бағишлайди. Сайру саёхатлар чоғида бир олам таассуротлар ила тўйиниб, қалби тозаради.

Мазмунли саёхат

Яқинда Қарши шаҳридаги кам таъминланган 50 нафар педагог Бухорога саёхат қилиб қайтди.

«Лаби ҳовуз», «Арк» мажмуалари, мўътабар қадамжолар устоз-муаллимларда олам-олам таассурот қолдирди. «Юз марта эшитгандан бир марта кўрган афзал» деганларидек, сафар кўпчилигининг кўнглидаги хайрли иш бўлди.

Шунингдек, Қаршидаги 2-мактабгача ва умумтаълим мактаб-интернати жамоаси ҳам ер юзининг сайқали бўлган Самарқанд шаҳри билан яқиндан танишди.

Иш режамизга кўра, ходимларимизни энди Шаҳрисабз ва Китоб туманларидаги тарихий обидалар зиёратига олиб борамиз.

Муножот НОРОВА, Тълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Қарши шаҳар кенгашининг ташкилий ишлар бўйича мутахассиси

МУНОСАБАТ

Фаровонлик қалити

Мамлакатимизда ўрта мулк эгалари синфини шакллантириш, фермерлик ҳаракатини мустақамлаш, иқтисодиётни янада либераллаштиришни таъминлаш, тадбиркорлик, аввало, кичик бизнес фаолиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш, кенг тармоқли бозор инфратузилмасини барпо этишни кўзда тутадиган қонун ҳужжатларининг бутун бир мажмуаси қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикасининг «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги Қонунда тадбиркорлик фаолияти субъектлари ҳуқуқининг асосий қарорлари, жумладан, тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг конституциявий қарорлари, пул маблағларини тасарруф этиш, тадбиркорлик фаолияти субъектларининг мулк ва бошқа ашёвий, фермер ва деҳқон ҳўжалиқларининг ер участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи, тадбиркорлик фаолиятига аралашмаслик қарорлари акс этган. Шунингдек, тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга тааллуқли асосий қарорлар мустақамлаб қўйилган.

Ушбу Қонун «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»нинг демократик бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш ҳамда иқтисодиётни либераллаштириш йўналиши ва «Мустақам оила йили» Давлат дастурида назарда тутилган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида қабул қилинди.

Қонуннинг мақсади оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун норматив-ҳуқуқий база яратишдан иборат.

Етти бобдан иборат қонуннинг «Умумий қоидалар» деб номланган 1-боби оилавий тадбиркорлик, оилавий корхона, унинг иштирокчилари ва бошлиғи тўшунчаси, 2-боб оилавий корхонани ташкил этиш тартиби, таъсис шартномасига, давлат рўйхатидан ўтказишга ҳамда устав фондига қўйиладиган талабларни белгилайди. «Оилавий корхонанинг фаолияти» бобида оилавий корхонанинг мулкий асоси, фаолияти амалга оширилаётган жой, фаолиятни амалга ошириш шартлари, маҳсулотни реализация қилиш, шунингдек, корхонада ҳисоб ва ҳисобот тартибига солинади.

Бешинчи боб меҳнатга оид муносабатлар, меҳнатга ҳақ тўлашнинг ҳуқуқий асосларини, шунингдек, оилавий корхона иштирокчилари ва ёлланма ходимларнинг ижтимоий муҳофазасини белгилаб берадиган нормалардан иборат.

Тахлиллар шуни кўрсатмоқдаки, аҳоли даромадлари ва халқ фаровонлигини узлуксиз ошириб бориш, кенг миқёсдаги ижтимоий дастурларни муваффақиятли



амалга ошириш масалалари парламентнинг эътибор марказида бўлмоқда. Халқ депутатлари Наманган шаҳар Кенгаши депутатлари ўз сайлов округларида ушбу Қонуннинг мазмун-моҳиятини тушунтириш борасида жойларда учрашув, давра суҳбатлари ҳамда худудлардаги корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарлари иштирокида йиғилишлар ўтказмоқда.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози давом этаётган бир пайтда иқтисодиётимизнинг янада барқарор ривожланишини таъминлаш, уни диверсификация ва модернизация қилиш, ишлаб чиқаришни техник қайта жиҳозлаш борасидаги ишларни йўлга амалга оширишимиз зарур.

Муҳаммадрасул АҲАДОВ, Халқ депутатлари Наманган шаҳар Кенгаши депутати

НАМУНАЛИ ТУМАН КЕНГАШЛАРИДА

Устувор вазифалар муҳокамаси

Юқоричирчиқ туманида Тошкент вилояти касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раёсатининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда тармоқ касаба уюшмаси вилоят, шаҳар ва туман кенгашлари раислари, касаба уюшмалари фаоллари иштирок этди.



Йиғилишда бирлашма кенгашининг ўтган даврдаги фаолияти атрафлича таҳлил этилди. Мазкур тадбирнинг Юқоричирчиқ туманида ўтказилишида рамзий маъно бор. Чўнки Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсатининг 2012 йил 23 февралдаги «Туман кенгашлари, бошланғич ташкилотларнинг Устав бўйича фаолиятлари намунали тарзда олиб борилишини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига асосан Юқоричирчиқ туманидаги касаба уюшма ташкилотлари фаолияти намунали тарзда йўлга қўйилиши белгиланган. Бирлашма ҳамда тармоқ касаба уюшмаси вилоят кенгашлари томонидан тумандаги касаба уюшма ташкилотлари моддий-техника базасини мустақамлаш, меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари, меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя

қилишдаги ўрнини ошириш борасида амалий ёрдам кўрсатилмоқда. Йиғилишда болаларнинг ёзги дам олишини ташкил этиш, бошланғич ташкилотлар фаолиятини яхшилаш, уларга амалий ёрдам кўрсатиш, касаба уюшмалари фаолиятининг устувор йўналишларини кенг тарғиб қилиш масалалари хусусида ҳам ўзаро фикр алмашиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Шундан сўнг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича жамоатчилик назоратини ташкил этиш юзасидан ўтказилган вилоят кўрик-танловининг ғолиблари тақдирланди. Танлов якунига кўра, «Энг яхши касаба уюшма кўмитаси» номинациясига «Максам Чирчиқ» очик акциядорлик жамияти касаба уюшма кўмитаси, «Энг яхши корхона» совринига «Тошкент иссиқлик электр станцияси» унитар корхонаси сазовор бўлди.

Ғолибларга диплом ва пул мукофотлари топширилди.

Ўз мухбиримиз, Икром ҲАСАНОВ олган суратлар



ЎҚУВ-СЕМИНАР

Қуролли Кучлар Марказий Офицерлар уйида Мудофаа вазирлиги, Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши, Хотин-қизлар кўмитаси, Республика ҳарбий прокуратураси, Маънавий тарғибот маркази, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ҳамкорликда «Соғлом ва мустақам оила — армия таянчи» мавзусида ўқув-услубий семинар ташкил этди.

Оила — армия таянчи

«Мустақам оила йили» Давлат дастури доирасида ўтган ушбу тадбирда иштирокчилар диққати жамъумизнинг оилани эъозлашга йўналтирилган миллий кадрлари ва урф-одатларини янада кенгрок тарғиб этиш,

тириш, ёш йигитларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қаратилди.

Семинарда «Ўзбекистонда оила манфаатлари — давлат сиёсатининг устувор йўналиши», «Мустақам оила йили» Давлат дастурининг бажарилишида касаба уюшмалари иштироки», «Ҳарбийлар оиласида ахлоқий — ҳуқуқий сифатларни шакллантириш», «Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда маҳалланинг ўрни», «Соғлом оила — соғлом авлод пойдевори», «Шах маънавиятини шакллантиришда оиланинг роли», «Ҳарбий хизматчи оиласининг ижтимоий-психологик тавсифи» мавзусида маърузалар тингланди.

Ўз мухбиримиз

ҚОРАКЎЛЧИЛИК

Газлининг бепойн даштлари. Бир томони тақир чўл, қум барханларидан иборат. Иккинчи тараф эса ям-яшил ўтлоқ. Бу ерларнинг иқлими мураккаб, ёзи жазирама, киши қаҳратон. Баҳори ўзгача тароват касб этади.

Яйлов баҳодирлари

Умрининг 50 йилини сурув кетида ўтказган Мурод оға Ражабов чўпонлик таёғини ўгли Улўғбекка топширди. Эндиликда Умар, Ашрафлар ҳам ота касбини давом эттиришмоқда. Ака-укалар отарида 428 бош қўй-қўзи бор. Совлиқларнинг бари соғлом, зотдор.

Жондор туманидаги Амир Темур номли қоракўлчилик-наслик ширкат ҳўжалигида фидойи чўпонлар кўп. Айни кунда жамоада 11 минг 700 бошдан ортик қўй-қўзи парвартирилмоқда. Уларнинг 7255 боши она қўйлардир. Бу йилги қўзилатиш мавсуми муваффақиятли якунланди. Ҳисоб-китобларга кўра, ҳар ўш бош соғлиқдан шунчадан қўзи олинди. Қўзиларнинг 70 фоизи ўстиришга қолдирилди. Ака-ука Ражабовлар, Фахриддин Содиқов, Ҳалим Раҳмонов, Абдор Мамаиёзов, Нутфулло Холов сингари илгор чорвадорлар отарларида кўрсаткичлар бундан-да юқори. Табиийки, натижаларга кўра, манфаатдорлик ҳам ошиб боради.

— Қўнкорлар зотини яхшилаш масаласи биз учун долзарб санолади, — дейди бош чорвадор Акбар Раҳмонов. — Бу борада тегишли изланишлар олиб борилаётир. Самарқандлик тадқиқотчи-олимлар, ҳўжалигимиз мутахассислари ҳамда тажрибали чўпонларимиз ҳамкорлигида «Бўхорои Шариф» навли сур қоракўл терилари яратилди. Унга ички ва халқроқ бозорда талаб ниҳоят-да катта.

«Бўхорои Шариф» зотиға мансуб қўнкорларнинг дастлабки гуруҳи ўтган йили «Қизилравот» ва «Қоровулбозор» қоракўлчилик ширкат ҳўжалигида боқилган ва талабдорларга етказиб берилган. Айни пайтда нафақат Бўхородаги ҳўжалиқлардан, балки республикамизнинг бошқа вилоятларидан ҳам уларга буюртмалар тушапти. Талаб ва истаклардан келиб чиқиб, жондорликлар зотдор молларни янада кўпайтириш ҳаракатида.

Қоракўлчиликда йил-йилга ўшшамайди, деган гап бор. Бу баҳорнинг қандай келишига боғлиқ. Егингарчилик яхши бўлса, чўпоннинг омади келгани. Баъзан бунинг тескариси бўлади. Масалан, сўнги икки йилда баҳорнинг қуруқ келгани сабаб яйловларда мол озқаси камайиб, мўлжалдаги қўзини ўстириш имкони бўлмади. Уларнинг бир қисми тери учун сўйилди, қолгани эса аҳолига сотилди. Аммо совлиқлар асраб қолинди. Бу йил баҳор кўнгилдагидек келди. Натижанда қўзиларни кўпайтириш имкони туғилди ва уларнинг 5,5 минг бошдан зиёди ўстиришга қолдирилди. Меъёр асосида берилган тўйимли озуқа мавсумни кўнгилли ўтказишда асосди.

Ҳўжалик бошқаруви раиси Рустам Абдуллаевнинг таъкидлашича, олдинги йилларда қоракўлчилик соҳасида юзага келган кемтиклар ўрнини тўлдирish учун давлат томонидан кўрсатилган моддий ёрдам ҳўжалиқлар иқтисодиётини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этаётир. Келгусида ишни янада яхшилаш мақсадида озуқа базасини мустақамлаш борасида аниқ режа белгиланди. Унга кўра, 2 та дағал хашак жамғарувчи гуруҳ ташкил этилди. Махсус транспорт ва техника ёрдамида чўл худудларидан тўпланган хашак ҳар бир отарга етказилади. Бундан ташқари, шартнома асосида фермер ҳўжалиқларидан олинган сомон ҳам ташиб берилади.

— Жамоа чорвасини кўпайтириш йўлида фидойилик кўрсатаётган яйлов баҳодирларига қандай шароитлар яратилган? — дея ҳўжалик касаба уюшма кўмитаси раиси Саъдулла Дониёвга муножаат қилдик.

— Чўпонлик машаққатли касб, — деди у. — Шунинг учун чорвадорларнинг саломатлиги доимо назоратда. Улар қишлоқдан олдин иссиқ кийим-бош, ичимлик суви, озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланади. Ойлик иш ҳақи мунтазам тўлаб борилади. Шунингдек, отарлардаги чўпон уйлари таъмирлаш ва бошқа юмушларда ҳам камарбастамиз.

Иззатулла ҲОЖИЕВ, «Ishonch» мухбири

«Истиқлол гунчалари»

ёш истеъдодларни кашф этди



(Давоми. Боши 1-бетда) Голиб ва барча иштирокчилар Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг диплом ҳамда эсдалик совгалари билан тақдирланди.

буюрган Гулсара Тўраева. — Неварам Мафтунахонни гўдаклигидан кўшиққа ошно қилиб тарбияладик. Кончилар сулоласи бўлганимиз боис у Навоий кон-металлургия комбинати-га қарашли «Современник» маданият саройининг «Кин-



дер сюрприз» гуруҳида кўшиқ сирларини ўрганди. Бугунги танловда «Кўғирчоқ» кўшигини айтиб, иккинчи ўринни қўлга киритди. Бун-

дан жуда хурсандмиз. Болаларнинг умидларига парвоз бағишлаб, шундай катта тадбир ўтказгани учун касаба уюшмаларига раҳмат айта-миз. — Биз бахтиёр авлодмиз, — дейди Сардорбек Шодмонзода. — Республика миқёсидаги катта танловда маҳоратимизни намойиш этиб, голиблар қаторида туришимиз, Президентимизнинг ёш авлод камолига эътибори натижасидир. Бундай имконият ва кулайлик мени қанча қувонтирса, зиммамга шунча масъулия ҳам юклайди. Касаба уюшмалари томонидан навқирон авлоднинг етук шахс бўлиб ўлгайиши йўлида амалга оширилаётган ишлар самараси ҳозирдан кўзга ташланмоқда. Кўшиқ байрамида ижро этилган куй-қўшиқларни тинглаб, истиқлол гунчалари юз очётганига янада ишонсан.

Амина ҚОДИРОВА, «Ishonch» муҳбири. Икром ХАСАНОВ олган суратлар

ЭРТАКЛАР — ЯХШИЛИККА ЕТАКЛАР

Бола эдик. Ўзимиз кичик бўлсакда орзуларимиз оламча, бирданига сеҳр-гарга айлиб олисдаги чўққиларга учиб чиқиб, у ердан туриб бутун дунёга боқишни истардик.



Олдинда мўъжиза кўп

Оппоқ булутлар билан бирга самода сузгимиз келарди. Узун тунарда бувимиз айтган эртақларни эшитганимизда эса мўъжизалар рўй беришига янада кўпроқ ишона бошлардик... Бугунги болалар бошқача. Улар мўъжизани ўз қўллари билан яратишни истайдилар. Фикри теран, тафаккури бой, дунёқарашини кенг янги давр кичкинтойлари учун эндиликда замонавий эртақлар келар. Иқтидорли ва тажрибали журналист Хидоят Олимованинг «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясида яқинда чоп этилган «Қизил олма» деб номланган эртақлар китобини айнан бугуннинг болалари учун мўъжиза бўлган дейишимиз мумкин. Болажонларга байрам тухфаси сифатида тақдим этилган бу китоб эртақ мазмунига мос рангли суратлар билан безатилган.

«Хеч омадм келмайди» дея ҳаётдан нолиб юрадиган йигит до-нишманд момонинг сузига кириб ер ўзлаштиради, экан экис ҳосил олади, омадини ҳалол меҳнат тўғайли тоғади. Чумолининг ҳаётига ҳавас қилган нанича эса сеҳр билан чумолига айланган анча қўйналади, тараллабедод қилиб юриш билан яхши яшаб бўлмаслигини тушуниб ет-ди, сўнг барча нинчаларни ёз бўйи ишлаб ризқ топишга ўргатади. Хуллас, эртақлар шу тахлит давом этаверади. «Урчуқ пари», «Бўғирсоқ», «Сабок», «Малика ва тўтиқуш», «Елгончининг жазоси», «Уддабурон улқочлар», «Икки тилла танга», «Она-бола каккулар» сингари кўплаб эртақлари орқали муаллиф болажонларга меҳнат-севарлик, она юртин севиш, катталарга ҳурмат, кичикка иззат кўрсатиш ва ҳалоллик фазилатларидан сабоқ беради. Аникроқ айтганда, «Қизил олма» китобидаги эртақлар ҳаётини ҳақиқатга яқин. Аслида муаллифининг ютуғи ҳам шунда.

«Демак, омадга эришиш осон кечмайди, бунинг учун эзгу ни-ятлар қилиш, чуқур билим олиш ва катта мақсадлар томон да-дил қадам ташлаш керак!» Хидоят Олимованинг эртақларини ўқиган ҳар бир ёш китобхон худди шундай хулоса чиқариши аниқ. — Отам Омонхон Тўрахонов табобат илмини чуқур билар, ада-биётта кизиқишлари ўзгача эди. Айниқса, мумтоз адабиётни се-виб ўқир, ўзи шеър ва газаллар ҳам ёзарди. Ҳикоя ва ривоят-ларни жуда таъсирли қилиб сўзлаб берганида биз фарзандлар жуда ҳайратланардик. Мен болагимдан худди отам сингари адабиётга иштиёқманд бўлиб ўсдим, ҳатто ривоят ва эртақни тўқиб сўзлаверганим боис ўртоқларим ичида «булбулча» деб ном ҳам олганман, — дейди Хидоят Олимова болагининг хотирлаб. Ҳа, кўпчилигимиз эртақларга ишонмаймиз. Лекин ўйлаб қарал-са бугунги ёруғ кунларимиз ўтмишдаги одамлар учун эртақ бўлиб туолган, шундай эмасми ахир!? Демакки, ҳаётдан мўъжизалар кут-тиб, эртақлар кучига ишониб яшасак, ўзимизда шунга яраша куч ҳам топа оламиз. «Ўзингни жамласанг лашқарсан» деган ҳикмат бежиз айтилмаган. Журналист Хидоят Олимова эртақларининг мазмунини худди шундай ҳақиқат ётади.

Г. ЖАМИЛОВА

Ўзбекистон агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марка-зий кенгаши ва тармоқ ходимлари касаба уюшмаси Андижон вилоят кенгаши жамоалари вилоят кенгашининг бўлим мудир Манзураҳон Отахоновага турмуш ўртоғи Шоҳаббек ОТАХОНОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

КҮРИК-ТАНЛОВ

Ёшлар маънавиятини шакллантиришда ҳалқ озғаси ижодиётининг ўрни ниҳоятда катта. «Онам айтган аллалар» кўрик-танлов-ви шулар жумласидандир.

КҮҲНА ОҲАНГ СЕҲРИ

Яқинда кўрик-танловнинг Хива туман босқичи бўлиб ўтди. Танлов шартига мувофиқ қизлар алла, ёр-ёр, лапар йўналиши бўйича ўз истеъдодларини намойиш этишди. Алла йўналишида бола тарбиясидаги муам-молар, қизларнинг эрта турмуш қуриши, бола тарбия-синга тайёр эмасликлари аҳамият берилган бўлса, ёр-ёр жанрида тўйлардаги урф-одатлар, қадриятлар билан боғлиқ муаммо ва тақлифлар ўртага ташланди. Хива педагогика касб-хунар коллежи талабалари барча йўналишларда ўз устунликларини кўрсат-тишди. Рисолат Рўзметова алла, Матлуба Абдул-лаева ёр-ёр, Мухайё Машарипова лапар йўнали-ши бўйича голиб чиқиб, вилоят босқичига йўллан-мани қўлга киритишди. Шунингдек, Хива иқтисо-диёт ва сервис, Хива ахборот технологиялари касб-хунар коллежлари талабаларининг чиқишлари ҳам ҳақамлар томонидан юқори баҳоланди.

Д. РАЗЗОҚОВА, Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Хива туман кенгаши раиси

Чотқол дарёси бўйида жойлашган

«КОНСТРУКТОР»

Болалар соғломлаштириш оромгоҳи

аҳолига харид қилиш учун талабномалар қабул қилади

Соғломлаштириш мавсуми 15 кунлик 4 сменада ташкил этилади. Мавсумнинг бошланиши — 14.06.2012 й.

Манзил: Тошкент ш., Олмазор тумани, Ғалаба-1 Тел: 248-15-01; 248-10-03




Хизматлар лицензияланган

2010 йил Тошкент шаҳар Чилонзор туман ҳокимиятидан № 006442 рақамли гувоҳнома билан рўйхатдан ўтган «ZERO-LUX-BUSINESS» масъулияти чекланган жамият фаолияти тугатилади.

«Келажак ворислари» топқирлик машқи

МУАММОМА Қалит сўзлар: 1. Айлантирганда кўзлар орасидаги ранг-баранг шишачалар ойнада акс этиб турфа хилдаги чиройли шакллар ҳосил бўладиган, болаларнинг дур-бинсимон ўйинчоғи — 17, 1, 10, 25, 27, 2, 9, 21, 17, 9, 18. 2. Атоқли шоир Ҳамид Олимжон достонидан: «Ойгул билан 8, 1, 6, 23, 4, 14, 3.» 3. Инглиз ёзувчиси Даниель Дефонинг аjoyиб ва гаройиб саргузашт романи қаҳрамони — 17, 3, 7, 22, 9. 4. Болаларга мўлжалланган биринчи ўзбек овозли филми — 15, 4, 10, 4, 12. 5. Уч ёшгача бўлган гўдақлар тарбия муассасаси — 26, 21, 10, 4. 6. Кимсанинг фарзандини тарбиялаб катта қилувчи аёл — 9, 5, 1, 11, 1. 7. Инсоннинг болаликдан балоғат ёшига ўтиш ўн иккидан ўн олтигача бўлган даври — 13, 21, 20, 4, 3. 8. Мактабгача ёшдаги болалар учун белгиланган таълим-тар-бия маскани — 8, 9, 24, 12, 1. 9. Ҳалқ озғаси ижодиға мансуб болажонларнинг сеvimли жанри — 19, 3, 23, 1, 17. 10. Адабий-бадий, безакли болалар журнали — 11, 7, 10, 6, 1, 5. 11. Болалар ўйнаши учун ичига ҳаво ёки енгил газ тўлдирил-ган резина пуфак — 16, 1, 3. Энди қалит сўзлар жавобларидаги ҳарфлар асосида шакл ат-рофидаги рақамларда яширинган муаммонимани ҳал этинг. Бун-да улардан Догистон халқ шоири Расул Ҳамзатов қаламига ман-суб тўрт мисра ҳикматни билиб оласиз.



диокомпанияси қошидаги болалар катта хори гуруҳи. 56. Инсонда болаликдан юзага келадиган, касб-хунар ўрганишга бўлган фа-зилат, қобилият. 57. Халқимизда эгизак қизларга қўйладиган исмлар-дан бири. 29. Ота-боболардан давом этиб келаётган насл. 31. Балоғатга, вояга етмаган, ёш бола. 33. Мақолдан: «... синовда чинқар.» 34. Европада оммалашган, ер қазиб, асосан ер ос-тида яшовчи жонивор номи билан аталувчи саргузаштларга бой туркум мултифилм. 23. Учишга мўлжалланган, иморат ёғочига боғлаб осилган арқон мослама. 24. Хурсандлик, манмулик. 25. Болаларнинг кўклагим ўйини. 26. Болажонларга бериладиган энг яхши совға. 35. Ўзбек болалар шоири, «Орзуларим кўш қанотим» шетрлар ва эртақлар тўплами муаллифи. 36. Болаларнинг кўклагим учкичи. 37. Қизлар шуғулланадиган бадий гимнастика анжومي. 38. Одатда қизлар ёшлигидан шуғулланадиган матога игна билан тикиб туширилган гул. 39. Эъоз-эътиборга, иззат-ҳурматга сазовор мазмундаги қизлар исми. 49. Республикада экранлаштирилган болаларга мўлжалланган ҳажвий-юмористик киножурнал. 50. «Шум бола» филмида бош қаҳрамони гавдалантирган актёр. Энига: 6. Оила сардори, мўътабар зот. 8. Бир ота-ондан тутилган катта ўғил. 44. Хонанда Равшан Комиллов ижросидаги машҳур кўшиқдан: «... бола.» 46. Фарзандлар тарбияланиб ул-ғаядиган муқаддас маскан.

Фозилжон ОРИПОВ



Muassis: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi Bosh muharrir: Abduxoliq Abdurazzoqov Tahrir hay'ati: Normamat ALLAYOROV, Muhammad Ali AHMEDOV, Oksana BELAUSOVA, Dovud MADIYEV (Bosh muharrir o'rinbosari), Baxtiyor MAHMADALIYEV, Sog'indiq NIYETULLAYEV, Eson RAJABOV, To'liqin TESHABOYEV, Jahongir SHAROFBOYEV (Mas'ul kotib)

Bo'limlar: Kasaba uyushmalari hayoti 256-87-63 Huquq va xalqaro hayot 256-03-90 Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat 256-87-74 Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport 256-82-79 Xatlar va muxbirlar bilan ishlash 256-85-43 Reklama va e'lonlar 256-87-73

Viloyatdagi muxbirlar: Andijon +99897 465 05 68; Buxoro +99893 653 50 81; Jizzax +99872 360 00 10; Navoiy +99894 226 28 84; Namangan +99897 491 79 28; Samarqand +99866 708 70 12; Surxondaryo +99897 458 05 07; Farg'ona +99873 221 93 19; Qoraqalpog'iston Respublikasi va Xorazm +99862 562 56 75; Qashqadaryo +99897 414 30 78

Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy E-mail: ishonch2012@gmail.com

Nashr ko'rsatkichi: 133

Navbatchi muharrir: Sh. Norqulova Navbatchi: A. Arslonov Musahhih: S. Shodiyeva

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: H. Abdullailov

«Sharq» nashriyat-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqaruvchisi chop etildi. Korxonaning manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda marba sifatlida gazeta nomi ko'rsatildi shart. Mualliflar fikr tahririyat nuqtai nazaridan tuzatishni mumkin.

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yatga olingan. Gazeta oset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bosishga topshirish vaqti - 21.00 Topshirildi - 19.30

Buyurtma T — 511 21945 nusxada bosildi 2345